

ДОРИВОР МОЙЧЕЧАК ДАМЛАМАСИНИНГ ТУХУМДОН ЯЛЛИҒЛАНИШИ КАСАЛЛИГИГА ТАЪСИРИНИ ЎРГАНИШ

Ш.Ш.Бобожонова, С.Салибоева

Тошкент фармацевтика институти Тошкент ш., Ўзбекистон Республикаси.

Ишнинг мақсади: Доривор мойчечак ўсимлигининг организмга таъсирини шиш ва яллиғланиш жараёнларини сўрилиб кетиш тезлигини ўрганиш.

Усуллар: тажриба учун ўнта фертил ёшдаги тухумдон яллиғланиши билан оғриган аёл беморлар кузатилди. Мойчечак дамламаси билан бемор аёллар ўнбеш кун давомида қин ойнаси ва спринцовка ёрдамида кунига бир марта ванночка қилиб борилди ва кузатилди.

Натижалар: тажриба натижалари бўйича биринчи беш кунликда бемор аёлларда унчалик ўзгариш кузатилмади. Беморларнинг умумий анализи бўйича НВ 104 г/л, эритроцитлар 4-5 млн. лейкоцитлар 10-15 млн. тромбоцитлар 5-6 ст ЭЧТ 10 мм/с. Коагулограмма: Протромбин индекс 108%, тромботест 5 ст, фибриноген 3,141, гепаринга толерантлиги 7 мин. 40 сек, аутокоагуляция тест 17 сек. Пешоб тахлили: миқдори 210, ранги сомон-сарик, глюкоза-йўқ, оксил 0,33%, солиштира оғирлиги 1018, ультратовуш тахлили ўнг буйрак биров шишган 1-даражали птоз, левиясимон шаклда нафас ҳаракатлари чекланмаган контури аниқ - тўғри, ўлчамлари узунлиги 101 мм, қалинлиги 49 мм пирамида структуралари кўринмайди, ТПП 16-15 мм., ЧЛС ўзгаришсиз, конкрементлар abs, буйрак уси беи кўринмайди. Ўнинчи ва ўнбешинчи кунларда беморларда дархол ўзгаришлар кузатилди. Уларда тухумдон яллиғланиши белгилари бўлган белдаги ва қовуқдаги оғрик, хайз циклининг бузилиши қин деворининг яллиғланиши бартараф қилинганлиги яққол кузатилди. Қин суртмаси анализи лейкоцитлар кўриш майдонида 1-2 дона, эритроцитлар abs, бактерия ва замбуруғлар йўқ, умумий қон тахлиллари ЭЧТ 6-7 мм/сек, ултраторовуш текширишлари ўзгаришсиз. Пешоб тахлили миқдори 200, ранги сомон-сарик, глюкоза йўқ, оксил йўқ. Солиштира оғирлиги 1018, бактериялар йўқ.

Хулосалар: Мойчечак дамламасининг таркибида регенерацияловчи, стимуловчи яллиғланишга қарши модда борлиги барча гинекологик касалликларда доривор мойчечак ўсимлигини қўллаш мумкинлигини тасдиқлади.